

КЕКСАЛИК ВА ИЖТИМОЙ ЁЛГИЗЛИКНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СТАРОСТИ И ОДИНОЧИЯ

SOCIOLOGICAL ANALYSIS OF OLD AGE AND LONELINESS

Эрйигитова Лобар - PhD

Central Asian Medical University

e-lobarxoneryigitova@gmail.com

Эрйигитова Лобар. (2023). КЕКСАЛИК ВА ИЖТИМОЙ ЁЛГИЗЛИКНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. Actacamu, 4(4), 115–131. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10429792>

Аннотация. *Мазкур мақолада бугунги кунда дунё миқёсида кексаларга давлат томонидан эътибор қаратиши, ёлғизлик ҳолатининг турли жамиятлар ҳаётида ижтимоий муаммо сифатида қаралиши, унинг келиб чиқиши омиллари ва ижтимоий оқибатлари ҳақида сўз боради. Маълумки, бугунга қадар “кексалик” ва “қариганда ёлғизланиб қолиши” тушунчаларга ижтимоий психологик ҳодиса сифатида қараб келинган. Аммо ҳозирда қурри заминдаги аксар жамиятларда бу масала турли ижтимоий, иқтисодий оқибатларини намоён қила бошлагани учун ҳам уни ўрганиши, муаммога ечим топиши глобаллашиб улгурган долзарб муаммолар қаторидан ўрин олиб улгурди.*

Калим сўзлар: *кексаларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар рўйхати, умр давомийлиги коэффиценти, ёлғизлик, девиант ҳулқ, ижтимоий ҳимоя дастурлари.*

Аннотация. *В данной статье речь идёт о внимание государств к пожилым людям в глобальном масштабе на сегодняшний день, рассматривается состояние одиночества как социальная проблема в жизни разных обществ, факторы его возникновения и его социальные последствия. Известно, что до сегодняшнего дня понятия «старость» и «одиночество в старости» рассматривались как социально- психологические явления. Однако с тех пор, как эта проблема начала проявлять различные социальные и экономические последствия в большинстве обществ мира, ее изучение и поиск решения проблемы заняли место среди актуальных проблем, ставших глобальным. Именно по этой причине в течение жизни людей ускоряются условия старения, что побуждает ученых проводить серьёзные исследования.*

Ключевые слова: *перечень социальных услуг предоставляемых пожилым людям, коэффициент продолжительности жизни, одиночество, программы социальной защиты.*

Abstract. *This article deals with the attention of states to the elderly on a global scale today, the state of loneliness is considered as a social problem in the life of different societies, the factors of its occurrence and its social consequences. It is known that until today the concepts of “old age” and “being lonely in age” have been considered as a social psychological phenomenon. However, since this problem has started to manifest various social and economic consequences in most societies of the world, studying it and finding a place among the urgent problems that have become globalized. It is precisely for this reason that the aging and senescence conditions accelerate in the Lifespan of people, prompting scientists to conduct serious research.*

Keywords: *list of social services provided to the elderly, life expectancy rate, loneliness, dependence on social networks.*

Кириш. Жаҳон миқёсида бугунги кунга келиб глобаллашган муаммолар қаторига аҳоли таркибида ёлғиз қариялар сонининг кўпайиб бориши муаммоси ҳам қўшилди. Маълумотларга кўра “кексайиш жараёни 2016 йилда дунё бўйича 6,8 фоизни ташкил этган бўлса, [1, - Б.5] ҳозирда бу кўрсаткич 9,6 фоизни ташкил этмоқда [2, - Б.7]. БМТ нинг аҳолишунослик бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасига кўра 2050 йилда дунёда кексалар сони бутун ер юзи аҳолининг 22 фоизини ташкил этиши мумкин. “Ёлғизлик” тушунчасининг ёшлар ва кексалар ўртасида ҳамда турли ёшдаги аҳоли орасидаги ҳолати ва унинг ижтимоий оқибатларини ўрганишга эътибор қаратсак, бу борада талайгина муаммолар борлигига амин бўламиз. Маълумки бугунга қадар “ёлғизлик” тушунчасига ижтимоий психологик ҳодиса сифатида қараб келинган. Яна бу инсоннинг ҳиссий-эмоционал ҳолати билан ҳам боғлиқ бўлади. Бунда асосан бир-биридан фарқланувчи иккита ҳолатни кўриш мумкин: биринчидан, позитив ҳолат, иккинчидан, негатив ҳолат. Ҳаётда иккинчи ҳолат кўп учрамоқда. Кўплар ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш орқали ўзини ёлғизлик ҳолатига тушиб қолаётганлигини тан олгиси келмайди. Айрим кишилар эса жамият орасида севимли инсонларини бўлишига қарамай ўзини ёлғиз сезадилар. Бундай инсонларни интерверт ва экстраверт тоифаларга ажратиш мумкин. Интерверт - бу ўз ички дунёси билан яшашни истовчи ва шу сабабли ёлғизликка интилувчи инсонлар. Экстраверт – доимо инсонлар орасида бўлиб мулоқотга интилувчи инсонлардир. Бу тоифа кишилар доимо барча билан мулоқотлари давомида турли тоифадаги инсонлар билан тез мулоқотга кириша олиш қобилиятига эга,

ҳаётда фаол амалиётчи инсонлар ҳисобланади. Улар ҳар қандай шароитда ҳам барча билан жуда чуқур бўлмасда, мулоқотга кириша олиш қобилиятига эга ҳисобланадилар ва улар тез-тез ўз мулоқот доираларини янгилаш орқали ёлғизликни енгишга ҳаракат қиладилар. Интервертлар учун эса ўзлари ҳурмат қилган, ёқтирган инсонлар яқинига бориш уларга мурожаат қилиш орқали ёлғизликни енга олиш мумкинлиги куч беради. Аммо ёшлар орасида ҳам, кексалар ичида ҳам соф интерверт ва экстрверт инсонлар бўлмайди. Бу ерда ўзига хос пропорция мавжуд - деярли барча инсонлар ҳам ҳаёти давомида бир маротаба бўлса ҳам ёлғизликдан қийналган бўлиши табиий. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати - барча мамлакатларда ҳам катта шаҳарларда аҳоли сони кўп бўлишига қарамай кўпчилик айниқса кекса инсонлар ўзларини ёлғиз сезишларининг ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. Катта шаҳарлар одамларни яқинлаштирмапти, бугун бу уларни ажратишга хизмат қилмоқда. Ана шу шароитда ёлғизлик бугун жамият муаммосими ёки ҳар биримизга берилган ҳаётнинг ажралмас ва муқаррар бир бўлагими? Бу саволга шунчаки жавоб бериш қийин. Масалан: инсон туғилган дастлабки кунлариданоқ онасини ва атрофидагиларнинг унга ғамхўрлигини ҳис этиб яшайди. Ёлғизлик унга бегона ҳисобланади. Вояга ета бошлагач ўзида ўзининг “мен”ини шакллантириш билан у ўзини бошқаларга таққослайди, ўзининг муносабатлари тизимини шакллантириш билан характери шаклланади. Айни шу пайтда унда ёлғизлик ҳислари пайдо бўлади. Баъзан ўсмирлар ёлғиз қолишдан чўчийди. Сабаби улар ёлғиз қолганда ўз ҳаёти, хато ва ютуқлари, келажак режалари ҳақида ўйлай бошлайди. Бу маълум маънода маъсулият ва жавобгарлик ҳиссиётларини ҳам тан олишни истамаслик ҳолати бўлиши мумкин. Ҳаётлари давомида доимий фаол ҳаёт кечирган, жамоатчи, доимий эътибор ва эътирофда бўлган шахслар ёлғизликни фожиа сифатида қабул қиладилар. Бундай тоифа кексаларнинг аксарияти вақтини ўтказиш учун кўпроқ телевизор қаршисида ўтиришлари, турли давраларда вақтларини ўтказишга уринишлари уларни ўз билим ва тажрибасини оширишга, шахс сифатидаги камолотига хизмат қилмайди аксинча, бундай вақт ўтказишдан сўнг муаммолари янада кучаяди. Бу ҳолат ҳақида

Сукрот: “...бундай инсонларнинг ёлғизликдан қочиб саёҳатларга чиқишидан фойда йўқ, булар қайга бормасин ўша ерга ўзлари билан муаммоларини ҳам олиб борадилар” – деб ёзган эди. Ёлғизликни қандай мулоқот тури орқали енгиш мумкин? Бу вазиятда шундай мулоқот тури зарурки, у нимадир олишга эмас, балки бошқаларга, жамиятга нимадирлар беришга хизмат қилиш лозим. Ёлғизликни инсон ўз иш фаолияти давомида, инсонлар билан қизғин муносабатлари давомида ҳис қилмаслиги мумкин. Аммо аксарият кишилар уйда ёлғиз қолганида ёлғизликни ҳис қиладилар. Бундай вазиятларда шунини ҳам яхши англаш зарурки, ёлғиз қолиш доим ҳам ҳатарли бўлмаслиги мумкин. Баъзан инсонни ўзи билан ўзи ёлғиз қолиши унинг ўзини муаммоларини англашга имкон беради. Аммо узоқ вақт ёлғиз қолиб кетиш атрофдагилар билан мулоқотнинг йўқолиши психологик ва соматик соҳасида муаммоларни келтириб чиқариш мумкин. Шу сабабли ёлғизликдан жабр кўриш бу – янги информация ва тасуротларнинг ҳам етишмаслигига олиб келадиган жиҳат ҳисобланади. Бугун ҳамма жамиятлар ҳам ёши катта кексаларнинг ёлғиз қолиши муаммоси ҳақида бош қотираётгани йўқ. Ёшлиқда вақтни самарали ташкил этиш орқали инсон ўз билими, малака ва кўникмаларини ошириб бориш мумкин. Кексаларда ёшлар эга бўлган имкониятларининг ҳаммаси ҳам бор эмас. Шу сабабдан ҳам кексалар ёлғизлиги муаммосини ҳал қилишда ёлғиз кексалар учун шундай жойлар ташкил этиш зарурки, токи бундай ижтимоий марказларда кексалар ўзларини ёлғиз ҳис қилмасин, биргаликда турли ёшдагилар мулоқот қиладиган ўз билим ва малакалари билан ўртоқлашсин, ҳаёт тажрибаларидан ёшларга ўргатсинлар. Ёшлар ўз шахсий иши билан банд бўлишдан кексаларга доим ҳам эътибор қаратмайди. Кексаларда эса вазияти бошқачароқ. Кексалар кексайганлиги туфайли ўз имкониятларининг кўпидан маҳрум бўлиши табиий ҳолат. Масалан, ёқтирган дўстларини узоқ вақт оралиғида кўра олмаслиги, шундай дўстларининг кўпларининг вафот этиш, турли касалликлар ва бошқа сабаблар уларга ҳалақит бериши мумкин.

Классик социологлардан Э.Дюркгейм, М.Бебер, Э.Морено, Л.Бирта, Г.Зиммел ва Э.Кляненберг каби олимларнинг илмий изланишларида

инсонларнинг ёлғизликка интилиш сабаблари ёки ёлғизликка тушиб қолиш феномени шаҳарлар ҳаёти мисолида илмий-назарий таҳлил қилинган ва бу ижтимоий ҳодисанинг келиб чиқиши жамият ҳаётда жамият кишилар ўртасидаги муносабатларга қай тарзда таъсир кўрсатиши ўрганилган. Бугун ёлғизликни яна бир тури – ижтимоий ёлғизлик тушунчаси шаклланган. Бир пайтлар советлар даврида юртимизда ҳам жамият ҳаётидаги ижтимоий ёлғизлик ҳақида ва у билан боғлиқ муаммолар деярли ўрганилмаган. Ҳаттоки бу ҳолатни мавжудлигига рад этилиб социал жамиятга ҳос ҳолат эмас дея баҳоланган. Айни шу даврдаги иқтисодий, сиёсий, маънавий инқироз ижтимоий ёлғизлик ҳолатини янада кучайтирилди. Бу жараён феноменини ўрганиш бўйича кўйидаги муносабатларни кузатиш мумкин: Экзистенциаль психологияда бу муаммони И.Ялом, К.Мустакаслар ўрганди. Уларнинг фикрича ёлғизлик аслида азалдан инсон табиатида бор нарса дейилади, ҳар бир инсон ўзи бир бетакрор ва бошқалар англаши қийин мавжуддир. Уларнинг ёлғизликка тушиб қолиши уларни бошқалар англамаганлигидан эканлигини асосламоқчи бўлишади. Экзистенциалистларнинг фикрича “ижтимоий ёлғизлик” инсон паталогияси билан эмас балки, унинг яшашдаги маиший – хўжалик ҳолати билан боғлиқдир. “Ижтимоий ёлғизлик” муаммосига психоаналитик ёндашув неофрейд парадигмаси доирасида Л.Зилбург, К.Мустакас каби олимлар ўз илмий қарашларини баён этганлар. Бу муаммони социологик жиҳатдан ўрганиш зарур. Чунки аслида ижтимоий ёлғизлик тушунчаси жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий ижтимоий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Баъзан бу мазкур йўналишдаги позитив ўзгаришлардан ҳам келиб чиқади. Масалан; ижтимоий ёлғизлик урф-одат анъаналарда трансформация бўлиш мумкин. Баъзан айрим шахсларнинг ажралиб қолишдан бутун бир ижтимоий группалар янгича турмуш тарзига кўника олмай реал ҳолатдаги вазиятга кўника олмай, ижтимоий изоляцияга тушиб қолиш мумкин.

Асосий қисм. Бизнинг юртимизда ҳам ёлғиз яшашга мойиллик кўринишлари учрамоқда. Масалан биринчи омил - ватандошларимизнинг “ёлғизлик”ка муносабати қандайлиги – масаласи. 100 нафар турли ёшдаги

респондентлардан айна шу муаммо борасида ижтимоий сўров олганимизда, сўралганларнинг 93 фоизи ўзини ёлғиз деб ҳисобламаслигини фикрини билдирдилар, 62 фоизи эса ёлғизлик ижтимоий ҳолатидан хавфсирамаслигини, 41 фоизи катта шаҳарларда ёлғиз яшовчи кексалар кўпайиб бораётганидан ташвишда эканлиги билдирди [3, Б.6]. Кўпчилиكنинг фикрича, одамлар ўзларини куйидаги сабаблардан ёлғиз ҳис қилишларини билдиришган:

- инсоннинг ўзидаги ёпиқлик ва одамовиликдан- 27%;
- яқин кишиларидан ажралиб қолишидан - 40 %;
- коммуникациянинг интернет ва бошқа мулоқот турларининг кенг тарқалиш оқибатида жонли мулоқотнинг камайиб кетаётгани- 32%;
- карьерасини ориентация қилиш ва жамғармасини кўпайтириш истаги мулоқотларга вақт ажратмаслигидан - 25 %;
- бўш вақтининг етишмаслиги – 19 %;

Ёлғизлик жамият тараққиётига салбий таъсир этади. Бу ишлаб чиқариш соҳасида, меҳнат ресурслари истиқболи масаласида ва бошқа ижтимоий муносабатларда, демография борасида муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Қолаверса, бизнинг халқимиз менталитетида азал азалдан жамоавийлик асосида яшашлик хос бўлиб келган. Европа ва бошқа ғарб халқларида ижтимоий ёлғизлик ҳолатининг келиб чиқишида оила муносабатларидаги баъзи жиҳатлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот олиб борган экспериментларнинг фикрича, ҳозирги авлодларга келажакда ёлғизликда қариш ҳолати хавф солмоқда. Европа давлатларида йилдан йилга ёлғиз қариялар сони ортиб бормоқда. Агар 20 йил аввал ёлғиз қариялар Европа аҳолисининг 22 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунда 40 фоизни кўрсатмоқда. Шу жумладан турмушга чиқмаган ёлғиз аёллар барча аёлларнинг 50,2 фоизини ташкил этиши аниқланган. Яқин даврларгача ёлғиз аёллар эркекларга нисбатан ўзларини бахтлироқ ҳис қилишган. Сабаби эркекларда бу борада эмоционал-ҳиссий етуклик аёллардагидек тўлақонли эмас. Масалан: Россияда кейинги йилларда ёлғиз оналар сони 3 бараварга ошган. Европа ва АҚШ каби ривожланган

мамлакатларда бу вазият аналогик характер касб этади. Британиянинг “Mintel” агентлиги 2017 йилда ўтказган социологик сўровида 75 фоиз респодентларнинг жавоб беришларича ёлғиз эркакларнинг 61 фоизи ва аёллардан 49 фоизи ўзининг ёлғизлик вазиятидан чиқишга ёки ўзларига умр йўлдоши топиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаганлигини билдиришган. Бугунги европа давлатлари аҳолини энг фаол 25-34 ёшли қатламининг 46 фоизи ёлғиз инсонлар бўлиб, уларнинг аксарияти халигача бирор марта никоҳга кирмаганлиги аниқланган. Германияда ҳар 5 нафар кишининг биттаси ёлғиз яшовчи инсондир. Бу кўрсаткич аҳолининг умумий сонидан 23 фоизни ташкил этади. Европа мамлакатлари ичида энг кўп ёлғиз қариялар Швецияда яшайди [4, Б.19].

Ижтимоий ёлғизликнинг яна бир омили ёлғизлик ва маиший хўжалик бозори эҳтиёжидан келиб чиқади. Маиший ҳаёт соҳасига хизмат қиладиган компаниялар ўз даромадларини кўпайтиришида ёлғиз яшовчилардан салмоқли даромад кўрадилар. Улар учун оила ажримлари сабаб ёлғиз яшаш ҳам шундай компаниялар ишлаб чиқарадиган турли маиший техникаларга эҳтиёжни оширади. Оилали инсонлардан кўра ёлғиз инсонлар озик-овқат ва коммунал хизматларга кўп маблағини сарфлаши аниқланган. Шу боисдан ҳам айрим ишлаб чиқариш компаниялари ёлғизликни тарғиб қилишга етарли миқдорда маблағларини сарфламоқда. Ижтимоий ёлғизлик ҳолатининг келиб чиқишида давлатнинг бу муаммога муносабати масаласи ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бугунги кунда жисмоний имкониятлари чекланган кексалар ўзларининг ижтимоий изоляцияга тушиб қолаётганидан норози бўлаётгани кўпчиликка маълум. Шундай кексаларнинг фикрича бу ҳолатга уларнинг даромад манбаининг камайиб бораётганлиги, ҳамда ёлғиз кексалар аксарияти борадиган турли кўнгил очар жамоат жойлари сонининг камайиб бориши сабаб бўлмоқда.

Ижтимоий изоляция ва ёлғизлик деструктив ижтимоий ҳарактер касб этадиган ҳолат. Мазкур жиҳатни инобатга олиб бир қатор мамлакатларда бу муаммо билан ишлари борасида жамият тараққиётида стратегик дастур ишлаб чиқилган. Масалан Буюк Британияда бу йўналишда вазирлик жорий этилган [5,

Б.19]. Бундан Россия Федерацияси федерал кенгашида ҳам ўртак олиб мамлакатдаги кексалар билан ишлашининг самарали йўли сифатида кексалар билан ишлаш бўйича махсус вазирлик тузиш таклифи берилди. Бундай вазирлик фаолият функциясига кекса ёлғизларга индивидуаль ёндашиш, доимий уларни қўллаб-қувватлаш вазибалари кириши белгиланган.

Баъзан ёлғизликни юксак ижтимоий қадрият сифатида ҳам талқин этиш мумкин. Ёлғизлик – бу доим ҳам салбий ҳолат эмас, балки баъзан бу ижтимоий ёлғизликдан фарқли индивидуал ёлғизлик инсонга ўзлигини англаш, гармония ҳолатига эришиш, янги ҳаётий қадриятларни англашга имкон берадиган ҳолатдир. Бундай ёлғизлик ижодий фаолият билан шуғулланувчиларга хос бўлиб, бу рассом, композитор, адиблар орасида кенг тарқалган. Баъзан ёлғизлик негатив эмас инсоннинг ўзи ва жамият учун ижобий роль ўйнаши ҳам мумкин. Масалан: ўткан асрда советлар истебдоди даврида Т.Г.Гнедич исмли Ленинград университети филологи 2 йил давомида якка тартибдаги камерада ёлғиз жазони ўтаган. Унга ўзининг дворян насабини яшириш айби қўйилган, Т. Гденич камерада инсоний ҳаёт кечириш шароити ниҳоятда оғир бўлсада Байроннинг “Дон Жуан” - 17 минг мисралик асарини рус тилига таржима қилган. Унга нисбатан қўлланилган барча қийноқларга қарши у ўзига-ўзи – Байрон иккимизга ҳеч ким керак эмас -дея қийинчиликларини енгиб, ўзида ишлашга куч топган, руҳий тушкунликка тушмаган.

Ҳозирда ижтимоий ёлғизлик ҳолати ижтимоий тармоқларга боғланиб қолишликдан келиб чиқмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, бугун интернет ва ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш замонавий жамиятларда ёлғизликни енгишнинг бир кўриниши сифатида қаралмоқда. Аммо унинг бошқа бир томони ҳам бор: яъни инсоннинг ижтимоий тармоқларга боғланиб қолинганлиги унинг шахсий мулоқот ва алоқаларини чеклаб қўйиши ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари, интернет мулоқотининг алоҳида муҳим ўзига хос томонлари ҳам мавжуд:

- анонимлиги - бу хатти-ҳаракатларни яширин имконини беради;
- вертуал образдаги суҳбатдош образини яратади;


- хоҳлаган пайтда алоқани узиб қўйиш имкониятини беради;
- инсоннинг муносабатларга таъсир кўрсатувчи эмоцияларни кўрсатмаслик имконини беради;

- реал воқеъликни вертуаль оламга алмаштиришга олиб келади.

Ижтимоий тармоқларда кўп ўтирадиган инсонлардан психикасида салбий ҳолатларнинг шаклланиши эҳтимоли ҳам бор. Бундай тоифа инсонлар аввало ўзини ҳимоясиз, ёрдам олиш имкониятисиз сезади, ўзини жами мулоқотлардан чеклаб қўяди, ижтимоий изоляциядаги инсон сифатида унда тушкун кайфият кучаяди. Шу сабабли ҳам ижтимоий ёлғизлик бугунги замонавий жамиятнинг долзарб муаммоси ҳисобланмоқда. Ёлғизликнинг спификаси кўп тармоқли ҳисобланади. У ҳаётнинг барча томонини қамраб олган. Шу боисдан ёлғизликнинг салбий кўринишларига қарши курашиш бутунлай янги муносабатни талаб қиладиган ҳуқуқий актларни яратишни зарурият сифатида кун тартибига қўймоқда. Дунё миқёсида бугун ёлғиз яшашга интилишнинг ўсиб бориши бир қатор салбий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Сўнгги 60 йил ичида оила қуриб яшаш кўрсаткичи икки бараварга камайиб кетганлиги ҳам буни асослайди. Ҳатто қадриятларига содиқ Японияда ҳам бу муаммога айланиб улгурган. Бу мамлакатда ёлғиз яшаш – кодокуша деб номланиб кейинги йилларда оммаланиб бормоқда. 2020 йилда Японияда бош вазир Ё.Суга ва мамлакатдаги минтақани ривожланиши вазири Т.Сакатони эгаллаб турган лавозими билан бирга ёлғизлик бўйича тузилган вазирлик вазири деб тайинлаган [6, Б.9]. Эътиборли томони шундаки, шу тариқа Японияда ёлғиз одамлар муаммолари учун маъсул лавозими биринчи марта жорий қилинди. Мамлакатдаги бу сиёсат аҳолишунослик соҳасида ўрганилаётган бошқа муаммолар қаторида туғилиш даражаси пасайиб бориши туфайли жамият ҳаётида вужудга келадиган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Мамлакатда ёлғизланиш ҳолатидан суйцитлар сони ортганлиги социологлар томонидан ўрганилган. Айниқса пандемия даврида мамлакатдаги ёлғиз яшаётганлар орасида ўз жонига қасд қилиш кўпайган. Бу сўнгги 11 йил ичида илк бор кўтарилган. Ўз жонига қасд қилганлар сони 2020 йилда 20919 тани

ташқил этган. Мутахассисларнинг аниқлашларича аҳолининг ёлғиз яшайдиган қатламлари орасида стресс ҳолатига тушиши бошқа тоифадаги аҳолига нисбатан кўп содир бўлган. 2015 йилда социолог олимлар томонидан тўртта мамлакатда 60 ёшдан ошган кексаларнинг ёлғизланиши даражаси ўрганилганда Японияда 60 ёшдан ёши ортиқ кексалар сони мамлакатдаги барча кексаларнинг 16,1 фоизини ташқил этиши аниқланган. Бу АҚШ (13 %), Швеция (10,8 %), Германияда (5,8%) ташқил этиши аниқланган. (1- жадвал) 2022 йилга келиб Европа мамлакатлари ичида бу кўрсаткич бўйича биринчи ўринга Швеция кўтарилган [7,Б.3] (1- жадвал)


1-жадвал. 60 ёшдан юқори кексалар ўртасида ёлғизланиш даражаси (2015 йил 4 та мамлакатда ўтказилган, % ҳисобида)



Россияда эса кейинги беш йил ичида мамлакатдаги барча оилалар сони кўрсаткичида фақат бир киши яшайдиган оилалар кўрсаткичи ортиб бораётганлиги аниқланган. 2022 йилда 36 фоизни ташқил этган. Бу 2018 йилга нисбатан 18 фоизга кўпайганлигини аниқланган [8,Б.7] (2- жадвал).


Бугунги тезкор ривожланиш ва ахборот – медиа маконнинг тобора инсонлар ҳаётидаги кўпроқ вақтини қамраб олиши натижасида ҳам инсонларнинг депрессия ҳолатига тушиб қолиши кучайиб бормоқда. Энг ачинарлиси бу кекса аҳоли ўртасида ўсиб бораётганидир. Бундай депрессия ҳолатига тушишнинг ортиши турли сабаблар ва омиллар билан боғлиқ албатта.

2-жадвал. Россияда фақат 1 киши ёлғиз яшаётган оилалар сони (% ҳисобида).



Аммо шундай омиллар ичида ижтимоий тармоқлардаги турли шов – шувли маълумотлар, ваҳимали хабарларнинг тарқалиши бу муаммонинг ортишига ўзига хос “ҳисса” қўшаётгани олиб борилаётган тадқиқотлардан аниқланмоқда. 1990 йилдан 2019 йилга қадар депрессияга тушган кексалар сони 50 миллиондан 250 миллионга кўпайганлиги аниқланган [9, Б.9] (3- жадвал).

3-жадвал. Дунё миқёсида кекса аёл ва эркакларнинг депрессия ҳолатига тушишининг ўсиши (млн. ҳисобида)




Олиб борилган тадқиқотлардан аниқланишича кексалар ёшларга нисбатан ижтимоий тармоқларга доим ҳам муурожаат қилавермайди.

Аммо сўнгги йилларда 60 ёшдан катталар орасида ҳам айнан ижтимоий жиҳатдан ёлғизланиб қолиши сабабли ижтимоий тармоқларга муурожаат қилиш ҳолати кўпайган. АҚШ социологларининг аниқлашларича ижтимоий тармоқларга кўпроқ муурожаат қиладиганларнинг аксариятини ёлғиз яшайдиганлар ташкил этган [10, Б.138].

Ижтимоий тармоқларга муурожаат қилганларнинг муурожаат сабаблари ўрганилганида маълум бўлишича, тақдирини излаб муурожаат қилганлар жами муурожаатчиларнинг 49 фоизини, зерикканидан ижтимоий тармоқларга кирувчилар 39 фоизни, қизиққанидан интернетга кирганлар 29 фоизни, секс излаганлар 23 фоизни, жиддий муносабатлар ўрнатиш мақсадидагилар 20 фоизни, дўст орттириш ва мулоқот истагидагилар 19 фоизни, ҳаётини ўзгартириш истагидагилар эса 17 фоизни ташкил этганлиги аниқланган [11, Б.10] (4-жадвал).


Ёлғизланиш муаммоларини ўрганиш жараёнида социологлар ёшлар орасида ёлғиз яшашга мойилликнинг кучайиб бораётгани фактини ижтимоий сўровлар орқали аниқлаганлар.

4-жадвал. Исонларни интернет ва ижтимоий тармоқларга муурожаатларининг сабаблари (% ҳисобида).




Бунда энг асосий омил 13 – 29 ёшлилар орасида ҳеч ким билан маслаҳатлашиш имконияти йўқлиги эканлиги маълум бўлган. Бу кўрсаткич Япония ёшлари орасида барча ёлғизланиб қолганларнинг 19,9 фоизини, Жанубий Кореяда 12, 2 фоизни, Францияда 10,8 фоизни, Буюк Британияда 8,8 фоизни, Германияда 7,5 фоизни, Швецияда 6,9 фоизни ташкил этиши аён бўлган (5- жадвал).

5-жадвал. Дунё миқёсида 13-29 ёшлар орасида ҳеч ким билан маслаҳатлашиш имконияти бўлмаган ёшлар (% ҳисобида).



Бугун бозор иқтисоди шароитида дунё миқёсидаги кўпгина ахборот бозоридаги таниқли компаниялар одамларнинг ижтимоий тармоқлардаги танишувлари, турли мулоқотларидан мўмайгина даромад олиш мумкинлигини билганлари ҳолда анашу йўналишга ўз маблағларини тикишдан мўмайгина даромад олмоқда. Бу кўрсаткич таҳлилининг сўнгги саккиз йили ҳақида ўрганилганда аниқланишича 2015 йилдан 2021 йилга қадар бу борадаги олинган даромад 1,5 миллиарддан 4,5 миллиардга ошган (6-жадвал).

6-жадвал. Дунё миқёсида ижтимоий тармоқлардаги танишувлардан олинган даромад (млрд. доллар ҳисобида)




Яна бир жиҳат ижтимоий тармоқлар орқали танишувчиларнинг аксарияти ижтимоий ёлғизланиб қолган кишилар бўлиб чиқди. Айрим ишлаб чиқариш компаниялари ҳам очиқча ёлғиз яшашликни тарғиб қилмоқда. Чунки ёлғиз инсонларнинг кундалик ижтимоий эҳтиёжлари ва харажатлари оила миқёсидаги эҳтиёж ва харажатлар билан деярли тенг эканлиги. Масалан электр энергияси,

сув, табиий газ каби ресурсларга эҳтиёж ёлғиз яшайдиганларда ҳам 3 ёки 4 кишилик оилалар эҳтиёжидан фарқланмас экан.

Оила трансформациясидаги кескин ўзгаришлар ҳам инсонларнинг ёлғизланиб қолиш ҳолатини кучайишига олиб келаётган яна бир омил деб ҳисоблаш мумкин. Олиб борилган тадқиқотлардан аниқландики, агар ўткан асрнинг 60 йилларидан 2015 йилга қадар бўлган давр оралиғида ёлғиз инсонлардан иборат оилалар аксарият мамлакатларда ўсган: Жанубий Корея ва Данияда 24, Францияда 18, Италияда ва Канадада 20, Японияда ва Буюк Британияда 15, АҚШ ва Австралияда 13, Хитойда 10 бараварга кўпайган (7-жадвал).

Мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектларидан бири сифатида халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиб турли соҳаларда дунёнинг қатор мамлакатлари билан жамият ҳаётининг турли соҳаларида ҳамкор ўрнатиб ҳамкорлик муносабатларини кучайтириб борар экан, мамлакатимизга хорижий инвестициялар оқими билан бирга турли ғоялар ва мафкуравий қарашлар, оммавий маданиятнинг турлича кўринишларининг кириб келиши табиий ҳол албатта.

7-жадвал. Ёлғиз инсонлардан иборат оилаларнинг ўсиш динамикаси



Ана шундай ғоялар қаторида ёлғизликнинг тарғиботи каби вайронкорликка хизмат қилувчи қарашларнинг таъсирининг кучайиши хатарли. Халқимиз азалдан жамоавий турмуш тарзида яшашни маъқул билиб келган.

Миллатимизнинг моҳият эътиборига кўра жамоавий эканлиги барчага маълум. Ўзбек менталитетида компромисс ва консенсус нисбати ҳам ўзига хосдир [12,- Б.84]. Жамият ҳаётида компромисс ҳолатига муайян ижтимоий – сиёсий муҳит, маънавий – маданий ёндашувлар ўзгариши билан компромисс консенсусга, ёхуд бегоналашувга айланиши мумкин. Жамият тараққиётида эса компромисс ҳолатидан кўра консенсус ҳолати доим ижобий ўрин тутган. Чунки консенсус тушунчаси муштарак манфаатлар бирлигини ҳам тақазо этади. Қолаверса халқимиз фитратига ворисийлик ва маънавий уйғунлиги тушунчаларига ҳам ёлғизлик – индивидуаллик ҳолатлари ёт ҳолат.

Хулоса. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатларнинг устивор йўналиши бу – инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, барча фуқароларга тенг имкониятлар тақдим этиш, жумладан пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон ва ёлғиз кексаларни давлатнинг реал ёрдами ва эътиборидан четда қолмаслигини таъминлашдан иборатдир. Мамлакатимизда кекса ёшдаги инсонларнинг ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва ташкилий механизми яратилган. Янгиланаётган Ўзбекистон конституцияси лойиҳасида ҳам бу борада янгича ёндашувлар тақлиф этилмоқда. “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий кўллаб – қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4906-сонли Фармони ва “Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2753-сонли Қарори, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги ва Меҳнат кодекси, шунингдек, бошқа бир қатор қонун ва ҳужжатлар шулар жумласидандир. Ёлғиз кексаларга эътибор қаратиш, уларни эъзозлаш ижтимоий соҳадаги муҳим фаолиятнинг устивор йўналишларидан бири сифатида қаралиши ибратли. Ўзбекистонда бугунги кунда 3,9 миллиондан ортиқ пенсионерлар мавжуд. Кейинги йилларда кексалар сонининг ортиши мамлакатимизда умр давомийлигининг ошиб бориши билан ҳам боғлиқ. Бу ҳолатни яна турмуш фаровонлигининг ортишини акс этиши сифатида ҳам қараш мумкин. Мамлакатимизда кексалар умумий аҳолининг 6,7

фоизини ташкил этмоқда [13, Б.4]. Бу МДХ давлатлари ичида таққосланганда энг паст кўрсаткич. Россияда нафақа тизимидагилар мамлакат аҳолисининг 28 фоизини, Белоруссияда 26 фоизни, Украинада 29 фоизни ташкил этади. Help Age International ташкилотининг юртимизда ўтказган таъқиқотидан аниқланишича, 2030 йилга бориб кексалар сони бизда 11, 6 фоизга ошар экан. 2050 йилда эса бу кўрсаткич 19,4 фоизга ошиши кутилмоқда [14, Б.20].

Ўзбекистонда қарияларни кексалик даврини хотиржам ва фаровонликда ўтказиш учун давлат сиёсати даражасида бир қатор вазифалар белгиланган ва амалга оширилиб келмоқда. Аммо шу билан бирга бир қатор муаммолар ҳам борки, уларнинг ечими кекса инсонларнинг ҳаётини яхшилашга, умр давомийлигини янада ўсишига хизмат қилади. Бундай муаммолар қаторида кексаларга бериладиган нафақалар миқдорини ошириш зарурияти энг долзарбларидан бири сифатида қараш ўринли. Шу билан бирга ёлғиз кексаларга ғамхўрлик, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий хизматлар сифатини ва кўламини кенгайтириш, қариялар уйлари билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш бу борадаги энг долзарб вазифалар ҳисобланади. Ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш учун ёшлар орасидан ихтиёрий асосда “Кўнгиллилар” гуруҳларини ташкил этиб кекса ёлғиз нурунийларга улар умргузаронлик қилаётган жамиятимизда ёлғиз эмасликларини ҳис қилдириш учун улар билан фаол мулоқат олиб бориш турли тадбирлар ўтказиш, турли ижтимоий дастурлар орқали ёрдам кўрсатишни кучайтириш, халқаро тажрибани ўрганиш ва мақбулларида фойдаланиш лозимки, токи ёлғиз кексалар ўзларини барчадан айро ҳис қилмасин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Содиқова. Ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни.Т.; Янги аср авлоди, 2016, 5-б.
2. “Об утверждении Основ государственной политики по сохранению и укреплению традиционных российских духовных нравственных ценностей” [электронный ресурс [URL:http://publication.pravo.gov.ru/View/000120221109019](http://publication.pravo.gov.ru/View/000120221109019)] дата выхода 08.12.2022 стр.7

3. Ижтимоий сўров 2023 йил 17 – 20 март кунлари Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ўтказилган соц.сўров ҳисоботи,6-бет
4. (URL: [http: \\ tass.ru.obschesvol](http://tass.ru.obschesvol) 19-бет
5. (URL: [http: \\ tass.ru.obschesvol](http://tass.ru.obschesvol) 20-бет
6. бу ҳақида Токиода Япония Вазирлар Маҳкамаси бош котиби К.Катонинг 2020 йил ҳисоботида маълумотида келтирилган.
7. “Об утверждении Основ государственной политики по сохранению и укреплению традиционных российских духовных нравственных ценностей” [электронный ресурс [URL:http://publication.pravogov.ru /View/000120221109019](http://publication.pravogov.ru/View/000120221109019)] дата выхода 08.12.2022.стр. 3.
8. “Об утверждении Основ государственной политики по сохранению и укреплению традиционных российских духовных нравственных ценностей” [электронный ресурс [URL:http://publication.pravo.gov.ru /View/000120221109019](http://publication.pravo.gov.ru/View/000120221109019)] дата выхода 08.12.2022.стр.7
9. ўша жойда, 9-бет
10. Ч.Р.Миллс. Социологическое воображения. Москва, 2001 стр.138.
- 11.“Об утверждении Основ государственной политики по сохранению и укреплению традиционных российских духовных нравственных ценностей” [электронный ресурс [URL:http://publication.pravo.gov.ru /View/000120221109019](http://publication.pravo.gov.ru/View/000120221109019)] дата выхода 08.12.2022.стр.10
- 12.М.Бекмуродов. Ўзбек менталитети.Тошкент, 2011, 84 – бет.
- 13.Ш.Содиқова. Ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрни.Т.; Янги аср авлоди, 2016, 4-б.
- 14.(URL: [http: \\ tass.ru.obschesvol](http://tass.ru.obschesvol) 20-бет.